



THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FEATURES OF THE ESSENCE OF SOCIAL CONFLICTS

Sharofiddin Shamsurovich Khasanov

Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor

Deputy Head of the Faculty of Administrative and Organizational Activities

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: type of conflict, disagreement, protest, struggle, social groups, disagreement, power, resources, social institutions, values.

Received: 22.08.25

Accepted: 23.08.25

Published: 24.08.25

Abstract: The article examines and scientifically analyzes the essence and forms of the concepts of "conflict", "social conflict", classifications of social conflict and their structural and functional analysis is revealed through a comprehensive theoretical and methodological analysis.

ИЖТИМОЙ ЗИДДИЯТЛАРНИ МОҲИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Шарофиддин Шамиурович Ҳасанов

фалсафа доктори (PhD), доцент,

Маъмурий-ташкилий фаолияти факультети бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: зиддиятлари тури, келишмовчилик, норозилик, курашиш, ижтимоий гуруҳлар, ҳокимият, ресурслар, ижтимоий институтлар, кадриятлар.

Аннотация: Мақолада “зиддият”, “ижтимоий зиддият” тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва шакллари, ижтимоий зиддиятнинг таснифлари ва уларнинг тузулиш-функционал таҳлили назарий-методологик жиҳатдан очиқ берилган ва атрофлича таҳлил қилинган.

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКАЯ ОСОБЕННОСТИ СУЩНОСТИ СОЦИАЛЬНЫХ КОНФЛИКТОВ

Шарофиддин Шамшурович Хасанов

доктор философии (PhD), доцент

заместитель начальника факультета административно-организационной деятельности
Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан**О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: разновидность конфликта, несогласие, протест, борьба, социальные группы, несогласие, власть, ресурсы, социальные институты, ценности.	Аннотация: В статье рассматривается и научно анализируются сущность и формы понятий «конфликт», «социальных конфликт», классификации социальных конфликта и их структурно-функциональный анализ раскрывается через всесторонний теоретико-методологический анализ.
--	---

Кириш

Ҳозирги цивилизациялар тўқнашувни даврининг ўзига хос жиҳатларидан бири давлатлар ва халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзаро яқинлашиши, интеграцияси бўлса, иккинчиси маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келиши натижасида Ижтимоий зиддиятларнинг ортиб бораётганидир. Ижтимоий зиддиятларни ўрганиш ва ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан мукамал концепциясини яратиш муаммоси сақланиб қолмоқда.

«Зиддият» аслида арабча сўз бўлиб, «бир-бирига хилофлик, фикрий қарама-қаршилик, ақсик», «муросага келтириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, душманлик, адоват», «муҳокама юритишда, матнда, назарияда ва умуман предмет, ҳодисаларда бири иккинчисини инкор этадиган икки мулоҳазанинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар» каби маъноларни англатади [1.146-147]. Бу сўз «келишмовчилик», «тўқнашув», «кураш», «можаро» ва бошқа шу каби тушунчаларнинг барини умумлаштириш учун ишлатилади.

Тадқиқотнинг асосий натижалари

Зиддиятнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш шу мазмунга қаратилган илмий тадқиқотларнинг вазифаси ҳисобланади. Чунки зиддият ўз шакл ва даражаларига кўра мураккаб ҳодисалар сирасига киради. «Зиддият» тушунчасига тўғри таъриф бериш учун унинг маъно-мазмунини шахслараро муносабатлар доирасида атрофлича кўриб чиқиш лозим. Лекин шунда ҳам биз тадқиқ этаётган «зиддият» тушунчасининг бутун мазмун-моҳияти тўлиқ ақс этмаган бўлади [2.С.272].

Социология, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, фалсафа, ҳарбий ва бошқа фанлар доирасида ижтимоий зиддиятларларни таҳлил қилиш, ҳар қандай Ижтимоий зиддиятнинг асосида қарама-қаршилик ҳал қилувчи ўрин эгаллашини кўрсатади.

Ижтимоий зиддият нима?

Шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги келишмовчилик туфайли келиб чиқадиган низолар ижтимоий зиддият деб аталади. Ижтимоий зиддиятлар шунчаки одамлар орасида бўлмайди. Авлодлар, гуруҳлар ва институтлар ўртасидаги тортишувлар зиддият деб ҳам аталади.

Ижтимоий зиддият қандай ҳал қилинади?

Қарама-қаршиликларни ҳал қилишда ҳиссиётларга қараганда мантиққа устувор аҳамият бериш керак. Бошқа томоннинг фикри билан рози бўлиш имкони бўлмаган жойда ҳам, ҳеч бўлмаганда унга ҳурмат кўрсатилиши керак.

Фикрлар тўқнашуви ҳар доим, ҳар қандай шароитда юзага келади. Муҳими, келишмовчиликларнинг низо ва жанжалга айланишига йўл қўймасликдир. Бунинг учун иккала томоннинг бири тинч ва мўътадил бўлиши керак. Шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларни бошқаришда мўътадил бўлиши ва ўртача йўлни топишга ҳаракат қилиши керак.

Конфликтлар назарияси жамиятни унинг таркибидаги турли гуруҳлар ўртасидаги тенгсизликка қаратган ҳолда ўрганади. Жамиятни ташкил этувчи гуруҳлар ўртасидаги рақобатдан келиб чиқадиган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ назария ва жамиятнинг ривожланишида зиддият муҳим ўрин тутаяди. Жамиятларнинг умумий тузилишини таҳлил қиладиган ёндашув сифатида у функционализмга қарши шаклланди. У учта қабулни ўз ичига олади: Одамлар нимани хоҳласа, унга эришишга ҳаракат қилинг; аммо бу жамият томонидан белгиланмайди, аммо одамларнинг умумий баъзи асосий манфаатлари бор. Бу ижтимоий муносабатларнинг асосий қисми сифатида ҳокимиятга берилган масъулият тушунилади. Конфликт назариячилари ҳар доим кучни кучсиз деб ҳисоблашади ва низо манбаи эмас, балки тенг бўлинмаган ва шунинг учун асосан мажбурий деб ҳисоблашади. Бу кадриятлар ва ғояларни бутун жамиятнинг ўзига хослиги ва мақсадларини белгилайдиган восита бўлишдан кўра, турли жамоалар ўз мақсадларига эришиш учун фойдаланадиган қурол сифатида кўришдир. Конфликтлар назарияси асосан ижтимоий ва иқтисодий кучнинг жиноятчиликка таъсирини, шахслар ва гуруҳларнинг хатти-ҳаракатларини аниқлаш ва бошқариш қобилиятини тавсифлайди. Ҳокимиятнинг тенг бўлмаган тақсимланиши низоларни келтириб чиқаради. Ижтимоий зиддият ҳокимият учун рақобат билан мустаҳкамланиб бормоқда. Конфликт назариясига кўра, жиноятчилик тушунчаси кучлилар томонидан белгиланади, қонунлар маданий жиҳатдан нисбий бўлиб, яхши ва ёмоннинг қатъий стандарти билан боғланмаган [3.С.176].

Ижтимоий зиддиятларни қарама-қаршиликнинг ташқи ифодаси, эмпирик кузатилган ва қайд қилинган қарама-қаршилик сифатида, унинг мавжуд бўлиш усули сифатида қараш

мумкин. Бошқача қилиб айтганда, зиддият орқали қарама-қаршилик намоён бўлади, объективлашади, «бизга ҳиссиётларда берилган» объектив ҳақиқатга айланади.

Қарама-қаршиликлар уларнинг ташувчиси бўлган кучлар ўзаро таъсир ўтказа бошлагач, тўқнашувга айланади, иккинчиси индивидуал шахслар, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек умуман жамият бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ижтимоий зиддият субъектлари - рўйхатдаги ижтимоий субъектлар учун камайтирилмайдиган ижтимоий тизим элементлари бўлиши мумкин. Шунини ёдда тутиш керакки, низо шаклида намоён бўлган ижтимоий қарама-қаршиликларнинг ривожланиши, бориши ва айниқса ҳал этилиши, унда иштирок этаётган қарама-қарши томонларнинг субъектив идрок этиш ва талқин қилиш жараёни таъсирида бўлади.

Давлатчилик тизими доирасида ижтимоий зиддиятларни юзага келтириши мумкин бўлган яна бир бўғин диний муносабатлар масаласидир. Диний муносабатларни тўғри англаб етиш, турли дин вакилларининг эътиқодларини ҳурмат қилиш ўзаро келишмовчиликларнинг олдини олиш имконини беради. Яъни динлараро бағрикенглик таъминланиши лозим. Дин азалдан аксарият маънавий кадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий кадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлиқ. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади.

Ёшларда динни англаш, у қайси дин бўлишидан қатъи назар, инсон қалбини мунаввар этишга, унда меҳр-оқибат, саховат, эзгулик, ҳалоллик фазилатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шуниси қувонарлики, халқимиз шуурига сингиб кетган диний бағрикенглик туфайли тарих саҳифаларида биронта динлараро ва миллатлараро зиддият қайд этилмаган. Бу эса ушбу соҳада Ўзбекистон тўғри йўлда эканлигидан далолат беради.

Ҳар қандай мамлакат ҳудудида аҳолининг кўпчилиги манфаатларини кўзлайдиган адолатли ижтимоий тартиботни жорий этиш фақат давлат органларининг иши эмас. Жаҳон тарихи гувоҳлик беришича, ижтимоий зиддиятларни алоҳида ҳолда давлат ҳам, оила ҳам, бозор муносабатлари ҳам ҳал этолмайди.

Ўзаро ҳамкорлик жамиятда мавжуд қашшоқлик, жинойатчилик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, етимлик сингари ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур. Бу жараёнда иштирок этаётган барча томонлар ана шу муаммоларни ҳал қилишда ўзларининг масъулиятларини ҳис этишлари лозим. Айни пайтда улар бунинг учун турли имконият ва тасаввурларга эга. Ана шу хилма-хиллик, баъзи зиддиятларга қарамай, ўзаро шериклик муносабатлари ўрнатилишига замин яратади.

Ижтимоий зиддият муаммоларини ўрганишда зиддиятнинг асосини ташкил этадиган низоларнинг умумий назариясини ҳам ҳисобга олиш керак. Низолар турли руҳий ҳолатдаги

субъектларнинг эҳтиёж, манфаат ва қадриятларидаги тафовутлар туфайли бир хил ёки турли рухий ҳолатлардаги одамлар ўртасида, ижтимоий соҳалар (саноат, иқтисодиёт), ижтимоий муассасалар (оила, мактаб, транспорт), ижтимоий ташкилотлар (давлат, Ижтимоий партиялар, касаба уюшмалари), миллатлар, мамлакатлар ва бошқалар ўртасида юзага келади.

Ижтимоий синфлар, ижтимоий гуруҳлар, армия, таълим тизими, давлат, дин, партиялар, тарихий жамоалар, жамиятлар ва цивилизациялар даражасидаги ижтимоий зиддиятларни ўрганади.

Ижтимоий зиддиятларнинг объекти – жамият ҳаётининг барча жабҳаларида турли кўринишларда намоён бўладиган ижтимоий зиддият ва тўқнашувлар, предмети эса жамиятдаги ижтимоий зиддиятларнинг табиати, сабаблари, механизмларини ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, кузатиш ва ҳал қилиш технологияларини ишлаб чиқишдир [4.С.304].

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, сиёсатшуношлик: можароларни (ижтимоий зиддиятларнинг намоёиши сифатида); айрим унсурлар, тўқнашувларнинг томонларини (ғоялар, қадриятлар, турли манфаатларга эга шахслар, ижтимоий институтлар, ижтимоий жамоалар, миллий жамоалар ва бошқалар); можароларнинг муайян тузилиш ва пайдо бўлиш шароитларига эга жараёнларини (шаклланиш, жойлаштириш, ҳал қилиш, олдини олиш); ижтимоий танглик, ижтимоий маҳрумлик; низо сабаблари ва шартларини; жамиятдаги низоларнинг асосий турларини (ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқалар); жамиятдаги субъектив тўқнашувларнинг асосий турларини (институционал, формацион, цивилизацион ва бошқалар); низоларни прогноزلаш, олдини олиш ҳамда ҳал қилишни ўрганади.

Замонавий конфликтология (зиддиятшунослик) фанида «тўқнашув» ва «ижтимоий зиддият» тушунчаларининг ўзаро муносабати борасида бир тўхтамга келинмаган, яъни ушбу масаланинг моҳияти хусусида олимлар ўртасида яқдиллик йўқ. Бундан ташқари, адабиётларда аксарият ҳолларда «тўқнашув» ва «ижтимоий зиддият» тушунчалари синонимлар сифатида ҳам ишлатилади.

Куйида бу борада кенг тарқалган таъриф-тавсифларни кўриб чиқамиз:

«Тўқнашув – объектив (яширин) ва субъектив (аниқ) қарама-қаршиликлар орқали ифодаланадиган элементларнинг ҳар қандай алоқаси» [5.С.142-147]; «тўқнашувлар – одамларнинг жамиятдаги ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий борлиқнинг ўзига хос ҳужайраси, ижтимоий ҳаракатларнинг потенциал ёки фаол субъектлари ўртасидаги муносабатлар шаклидир. Уларнинг мотивацияси қарама-қарши қадрият, манфаат ва эҳтиёжлар билан

боғлиқ» [6.С.261]; «Тўқнашув – ўткир ҳис-туйғу, кечинмалар билан боғлиқ, ҳал қилиниши кийин бўлган қарама-қаршиликлардир» [7.С.448].

Ушбу таърифларда «тўқнашув» қарама-қаршиликни ифодаловчи тушунча сифатида ўз ифодасини топган. «Тўқнашув ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг кескин усули бўлиб, одатда зиддиятга киришувчи томонларнинг салбий ҳис-туйғуларини ҳам қамраб олади»[8.С.551].

«Ижтимоий зиддият – мақом, ҳокимият ёки чекланган ресурсларга даъвогарлар ўртасида кечадиган кураш бўлиб, унда низолашувчи тарафлар нафақат кўзланган мақсадга эришишни, балки рақибни зарарсизлантириш, унга зарар етказиш ёки уни йўқ қилишни кўзлайдилар»[9.С.295]; «ижтимоий зиддият – ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, ривожланиш тенденцияларидаги қарама-қаршилик ёки сезиларли фарқ туфайли турли ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий институтлар ўртасидаги зиддиятларда намоён бўладиган экстремал, яъни энг авж нуктага чиққан ҳолатдир»[10.С.528]; «ижтимоий зиддият – томонлар ҳудуд ёки ресурсларни эгаллашга интиладиган қарама-қаршилик бўлиб, унда муҳолафат аъзолари ёки гуруҳлари, уларнинг мол-мулки ёки маданиятига таҳдид юзага келади ва кураш ҳужум ёки мудофаа шаклига ўтади»[11.С.320].

Тўқнашув – томонларнинг биринчи марта ўзаро қарама-қарши келиши, кучларнинг синовдан ўтказилиши, куч воситасида масалани ўз фойдасига ҳал қилиш учун амалга оширилган уринишдир. Агар тўқнашув жараёнида тарафлардан бири куч-қудрати кўплигини амалда кўрсата олса, зиддият катта можарога айланмай, ниҳоясига етиши мумкин.

Зиддиятни яқунлашнинг асосий шакллари сифатида уни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, зиддиятнинг сўниши, бартараф этилиши ёки бошқа зиддиятнинг бошланиши кузатилади.

Зиддиятдан кейинги давр можаро оқибатларининг тугатилиши ва рақиблар муносабатларининг қисман ёки тўлиқ нормаллашувидан иборат икки босқичга бўлинади. Зиддият давридаги салбий ҳис-туйғулар бутунлай йўқолмаган бўлса, муносабатлар қисман нормаллашади. Дарду ҳасратга бой оғир кечинмалар, қарашларини қайта ўйлаб кўриш бу даврга хос хусусиятдир. Рақибга муносабат, унга қўйилган иддао ва талаблар, ўз-ўзини баҳолашдаги коррекция жараёни ҳам мазкур хусусиятлар жумласидандир.

Ушбу босқичда ўзаро кураш давридаги ўз хатти-ҳаракатлари учун айбдорлик ҳиссини туйиш кучаяди. Аммо бир-бирини баҳолашга нисбатан сақланиб қолган эски хотиралар ўзаро муносабатларни тезда нормаллаштиришга имкон бермайди. Томонлар бундан кейин соғлом, конструктив муносабатлар ўрнатиш зарурлигини англашлари биланоқ

муносабатларнинг тўлиқ нормаллашуви бошланади. Ўртада ўзаро ишонч қарор топиши ҳам бунга имкон беради.

Ҳозирги илмий адабиётларда зиддиятлар турли асосларга кўра таснифланган. Жумладан, А. Г. Здравомислов уларни зиддиятга киришаётган томонларнинг даражаларига кўра шахслар ўртасидаги, гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар, гуруҳларнинг турлари, манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар, этномиллий хусусиятга эга гуруҳлар, ҳолат умумийлиги бирлаштирган гуруҳлар, уюшмалар, институтлар ўртасидаги зиддиятлар, давлат тузилмалари ўртасидаги зиддиятлар ҳамда маданият ва унинг турлари ўртасидаги зиддиятларга ажратади [12.С.261]. Муаллифнинг фикрига кўра, зиддиятнинг пайдо бўлишига турли омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Зиддиятларнинг энг батафсил таснифларидан бирини Р. Дарендорф таклиф этган. Унинг фикрича, зиддиятлар:

келиб чиқиш манбаларига кўра: манфаатлар тўқнашуви, қадриятлар мос келмаслиги, идентификация;

ижтимоий оқибатларига кўра: муваффақиятли ва муваффақиятсиз, конструктив (бунёдкор) ёки деструктив (бузғунчи);

кўламига кўра: маҳаллий, минтақавий, давлатлараро, глобал, микро-, макро- ва мега-даражадаги зиддиятлар;

кураш шаклларига кўра: тинч ва нотинч;

келиб чиқиш шартларининг хусусиятларига кўра: эндоген ва экзоген;

зиддият субъектларига нисбатан: ҳақиқий, тасодифий, ёлғон, яширин;

томонлар қўллайдиган тактикалар жиҳатидан: жанг, ўйин, баҳс кўринишларида бўлади [13.С.320.].

Хулоса

Демак, Ижтимоий зиддиятлар қандай вазиятга боғлиқ ҳолда юзага келса, унга баҳо беришда хусусият сабабларини эътиборга олиш шарт бўлади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ижтимоий зиддиятнинг моҳиятини тавсифловчи концептуал тизим тўртта асосий хусусиятни, яъни структура, динамика, функция ва Ижтимоий зиддиятлар бошқарувини қамраб олиши керак. Ўзаро муносабатларда Ижтимоий зиддиятнинг олдини олиш, ижобий муносабат ўрнатиш ва уни сақлаб қолиш учун тегишли маслаҳатга амал қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. «З» ҳарфи / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий

нашрѐти, Б.146–147. – [URL:https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Z.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Z.pdf)

2. Козлов А.С., Левина Е.В., Эстрова П.А. Конфликтология социальных групп и организаций. Изд. 2, доп. – ЛЕНАНД 2018. – С. 272.

3. Степанов Е.И. Современная конфликтология: Общие подходы к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных конфликтов. – Изд.стереотип. ЛКИ, 2015. – С. 176.

4. Анцупов А.Я., Баклановский С.В. Конфликтология в схемах и комментариях: Учебное пособие. – Санкт-Петербург Питер, 2009. – С.304.

5. Дарендорф Р. Элементы теории социального конфликта // Социологические исследования. – 1994. – № 5. – С. 142–147.

6. Здравомыслов А.Г. Социология конфликта. – Москва: Аспект Пресс, 1996. – С. 261.

7. Микадзе Ю.В. Психологический словарь / Под ред. В. В. Давыдова, А. В. Запорожца, Б. Ф. Ломова и др. – Науч.-исслед. ин-т общей и педагогической психологии Акад. пед. наук СССР. – Москва, 1983. – С. 448.

8. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: Учебник для вузов. – Москва: ЮНИТИ, 2000. – С. 551.

9. Козер Л.А. Функции социального конфликта / Пер. с англ. О. Назаровой; Под общ. ред. Л. Г. Ионина. – Москва: Дом интеллектуальной книги: Идея-пресс, 2000. – С. 295.

10. Социологический словарь / Сост. А.Н.Елсуков, К. В. Шульга. – 2-е изд., перераб. и доп. – Минск: Университетское, 1991. – С. 528.

11. Дмитриев А.В. Конфликтология: Учеб. пособие. – Москва: Гардарики, 2000. – С. 320.

12. Здравомыслов А.Г. Социология конфликта. – Москва: Аспект Пресс, 1996. – С. 261.

13. Дарендорф Р. Современный социальный конфликт. Очерк политики свободы / Пер. с нем. Л.Ю.Пантиной. – Москва: Росспэн, 2002. – С. 123.